In short, we return to the metaphor of the corporate culture of a higher education institution as the nature and status of a higher education institution. It is clear that temperament changes when there is a strong influence on the environment after the subject changes if he wants to stay in that environment and accept it as significant. Therefore, to arouse the desire of students to change their foundation. It is necessary to keep them aware of the direction chosen by the higher education institution. Therefore, they need to know about the state of the institution of higher education, how they can shape people's attitudes to the situation, and allow them to consciously enter the path of change by creating the corporate culture they want in the group.

References.

1. Law of the Republic of Uzbekistan dated September 23, 2020 "On Education".
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 8, 2019 PF-5847 "On approval of the Concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030".
3. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 29, 2020 "On approval of the Concept for the development of science until 2030."
4. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-60 of January 28, 2022 "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026".
5. Kayumova M. Formation issues of corporate culture and ideological immunity of youth // Archive of scientific research. - 2021.– Т. 2. - №. 1.
6. Qayumova M. The method of formation of professional ethics of students in the educational process // Архив научных исследований. - 2021.
7. Kayumova M. Criteria and indicators of development of corporate culture among students of higher educational institutions // Archive of scientific research. - 2021. - Т. 2. - №. 1.
8. KAYUMOVA, M. Uzbek Problems of formation of corporate culture and ideological immunity of young women in public administration. Archive nauchnyx issledovaniy, v. 1, n. 46, 26 Mar. 2021.
9. Kayumova M. Sh. Formation of corporate identification of students of the first stage of higher education // Journal Innovatsii v Ekonomike.-2021.-Т. 4.- №. 3.
10. Musakhanova, G. (2022). <https://masterjournals.com/index.php/crjp>: design and research method as an innovative approach aimed at the development of organizational abilities of students in the process of independent work. Archive nauchnyx issledovaniy, 2 (1).

11. Mamarajabov S. Innovations and foreign experience in teaching special subjects//Архив научных исследований. - 2021.
12. Mamarajabov, Shavkat. "Strategy of action: education and the economy as a model of innovative development." Archive of scientific research (2021).
13. Hakimova, M. "Professional pedagogy. Tutorial." T., Tashkent State Economic University ..- 2007 (2007).
14. Hakimova, Muhabbat. "Opportunities for the application of innovative technologies in the educational process." Archive nauchnyx issledovaniy 32 (2020).
15. Maxmudova, F. (2021). Soderjanie innovatsionnoy deyatel'nosti uchitelya v organizatsii ekonomicheskogo obrazovaniya. *Ekonomika i obrazovanie*, (5), 282-287.

Сценарий талабаларнинг бадий тафаккурини ривожлантиришда бадий омил сифатида

Омонбой Эргашев,

Наманган давлат университети

“Педагогика назарияси ва тарихи” кафедраси таянч докторанти,

E-mail: omonboy.ergashev@mail.ru

Анотация. Мақолада талабаларнинг бадий тафаккурини такомиллаштиришда маданий тадбирларнинг асоси бўлган сценарийларни ўрни ва таъсири ўрганилиб, ёшлар тарбиясига ижодий ҳисса қўшадиган тадбирларни ташкил этишда сценарийларни яратиш мобайнида талаб ва тавсиялар кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: сценарий, бадий тафаккур, ижодий қобилият, маданий-маърифий тадбирлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ёшлари маънавиятини янада ривожлантириш, ижодий баркамоллигини таъминлаш, ҳар қайси соҳада креативликни оширишга қаратилган эътибор ошиб бормоқда.

Президент Ш.Мирзиёев ўз нутқларида – “бугунги мураккаб замонда ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш биз учун ғоят муҳим вазифа бўлиб қолмоқда” [1] деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

Ёшларни бадий, ижодий тафаккур ва креатив фаолият юрита олишни ривожлантириш, уларни ҳаётда, касбий фаолиятда ижодий фикрлашга ўргатиш, маънавий-ахлоқий тарбиялашда юқори самарадорликка эришишда маданий-маърифий тадбирларнинг ўрни катта аҳамият касб этади. Тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда тарбиявий таъсирга алоҳида эътибор бериш ҳамда ўзини-ўзи тарбиялаш жараёни кечишига ундайдиган механизмларни ишга солиш лозим.

Мамлакатимизда янгича муносабатларнинг тараққиёти, ташкил этилаётган маданий тадбирларнинг инсон тафаккурига таъсири ва жамият тараққиётига ҳисса қўшишдаги аҳамиятини таҳлил этиш мақсад қилиб қўйилса, тадбирлар тарбиявий аҳамият касб этади.

Шундай экан талабаларнинг бадиий тафаккурини ривожлантиришда маданий тадбирлар ўрни бекиёс бўлса, унинг асосини яхши, пухта ва мукаммал ёзилган сценарий ташкил этади. Умумий олганда ўтказилаётган тадбир савияси энг аввало сценарийга боғлиқдир.

Ҳар қандай тадбирни ўтказиш ёки ташкил этишда сценарий яратиш энг асосий жараёнлардан бири ҳисобланади. Байрам, томоша, тадбирларни ташкил этишда сценарийларни яратиш мобайнида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, баркамол авлод тарбиясига ҳисса қўшадиган, инсонларга ҳар томонлама таъсир қиладиган материалларни топиш тадбир ташкилотчисидан катта маҳорат ва билим талаб этади [3].

Сценарий ҳақида сўз борар экан, табиий ҳолатда савол туғилиши мумкин “сценирий” ўзи нима?

“Сценарий” сўзи, У.Қорабоев ўзининг “Бадиий-оммавий тадбирлар” китобида ёзишича, италянча сўздан олинган бўлиб, “асарнинг плани, схемаси”ни англатади [4].

Яна бошқа манбаларда - Сценарий - италянча «Scenario» сўздан олинган бўлиб, асар тузилмаси маъносини англатади. Сценарий - маҳаллий далилларга асосланиб ёзилган адабий-драматик асардир [2].

Ҳар қандай ҳолатда ҳам сценарий - ўтказиладиган тадбирнинг тўлиқ ёзма баёнидир, деб таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Сценарий ёзувчи ҳамма ижодкорлардек ҳаётнинг ҳамма иқр-чикирларигача билиш керак. Билиш билан бир вақтда идрок қилиб қиссадан хисса чиқара билиш ҳам керак. Акс ҳолда ҳамма билганлари кераксиз ҳом ашёдай ортиқча юк бўлиб қолиши мумкин.

Сценарийни яратишда қуйидаги вазифаларни бажариш керак бўлади:

- тадбир ўтказиладиган жой ўрганилади;
- маҳаллий шароитдан мавзу, тадбир ғоясидан келиб чиққан ҳолда манбалар изланади;
- хужжатли материаллар бадиийлаштирилади;

- сахнавий усуллардан, фойдаланиш йўллари изланади, таъсирчан воситалар танланади [3].

Сценарий яратишда бўлажак тадбирларнинг ғоявий - мавзу асосини чуқур ўйламоқ лозим. Энг муҳими шундаки, сценарий асосида муҳим ижтимоий ва маҳаллий аҳолининг ҳаётига яқин бўлган қизиқарли мавзу ётиши керак.

Сценарийнинг таъсирчанлигини ошириш учун махсус ҳужжатлардан: буйруқлар, низомлар, хатлар, кундаликлар, шахсий, оилавий альбомлардан, фотоҳужжатлар, давлат ва шахсий архив материалларидан фойдаланиш мумкин.

Сценарийда тадбирнинг ғояси, олий мақсади, композицион тузилиши акс эттирилади. Шунингдек, сценарийда тадбир ўтказиладиган жой (сахна, майдон)нинг безатилиши, қатнашчилар сўзларининг матнлари, бадиий ва ҳужжатли материаллар, бадиий фон ва фон гуруҳи тасвири, чироқлар, сахналаштириш режаси ва режиссёрлик таҳлили ҳам кўрсатилиб ўтилади. Сценарийнинг пухта бўлиши бўлажак тадбирнинг энг асосий ютуқларидан биридир [2].

“Сценарий ёзиш билан ким шуғулланмасин, у қуйидаги талабларга жавоб бермоғи лозим:

- а) ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётни, маҳаллий аҳоли меҳнати ва турмушини чуқур тушуна оладиган ҳамда уни тўғри таҳлил қила оладиган шахс бўлмоғи;
- б) адабиёт ва драматургия соҳасида билимга эга бўлган, улардан самарали фойдалана оладиган киши бўлиши;
- в) ҳаётининг материалларни, ҳужжатли далилларни йиға оладиган, уларни адабий-бадиий шаклда баён қила билладиган ижодкор бўлмоғи лозим” [4].

Сценарий муаллифи сценарий яратиш жараёнида асосан маҳаллий далил, ҳужжат ва тарихий материалларга асосланиб, улардан тўғри фойдалана олиши лозим. Муаллиф қўлланилаётган расмий ҳужжатларни қуруқ чиқмаслиги учун шундай бадиий услубларни топиши керакки, бу бадиий услублар, ёрқин, ҳаяжонга солувчи, эмоционал ҳаракатдаги асарга айланиши керак.

Шундай экан талаба ёшларнинг бадиий тафаккурига ижобий таъсир ўтказувчи маданий тадбирларни тайёрлашда, унинг асоси ҳисобланган сценарийларни юқори савияда ёзиш муҳим вазифалардан биридир. Шу боис юқорида таъкидлаб ўтилган талаб ва тавсияларга амал қилиб сценарий ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To'ldirilgan ikkinchi nashri. – Toshkent: O'zbekiston, 2022. – 416 б.
2. Жаҳонгир Маматқосимов. Оммавий байрамлар режиссурасида театрлаштириш усуллари. – Т.: 2008. – 113 б.
3. Sayfullayev B.S., Rustamov V.K. Madaniy tadbirlarni tashkil etish mahorati. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2016. – 180 б.
4. Қорабоев У.Х. Бадиий-оммавий тадбирлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida “Kichik dasturchilar” to‘garagini tashkil qilish metodikasi

Jumabayev Samandar Israyilovich

Jizzax davlat pedagogika instituti talabasi,

Annotatsiya: Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotlarida maktabga tayyorlov yoshidagi bolalar uchun “Yosh dasturchilar” to‘garagini tashkil etish uchun metodik tavsiyalar va imkoniyatlar haqida fikrlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: AKT, maktabgacha ta'lim, innovatsiya, multimedia, zamonaviy ta'lim-tarbiya.

Bugungi kunda rivojlanib borayotgan shiddatli zamonda ta'lim-tarbiya jarayonini ham o'z navbatida isloh qilish talab etiladi. Jumladan, bugungi ta'lim maskanlarimida yoshlarga berilayotgan bilim va ko'nikmalar, ularning talablarini qondira oladigan darajadami? Ko'chada, mahallada, oilasida bolalarning o'zini tutishi qanday? O'ylaymanki bugungi kun bolalari, bu 10 yil avvalgi bolalardan butunlay farq qiladi. Mobil qurilmalar, kompyuter texnologiyalari, ijtimoiy tarmoqlar, internet syorfig va ko'plab boshqa tushunchalar hozirgi zamon bolalari uchun oddiy hol. Bu holat o'z navbatida, o'zining pozitiv va negativ taraflarini namoyon qiladi. Biz endilikda bolalarga ta'lim-tarbiya berish jarayoniga internetdan, mobil qurilmalardan, kompyuter va avtamatlashtirilgan qurilmalardan foydalanaish ko'nikmalarini ham shakllantirib borishimiz zarur. Xalqimizda “bola boshidan ma'lum” degan ibora bejizga aytilmagan. Ko'p yillik tadqiqotlarga ko'ra, inson umri davomida olishi kerak bo'lgan bilim va ko'nikmalarning 60-70 % 7 yoshgacha olishi, bu esa aynan maktabgacha ta'lim yoshiga to'g'ri kelishi isbotlangan. Demak, maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda shakllangan bilim va ko'nikmalar kelgusida ularning kim bo'lib yetishishini belgilab beradi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Hindiston davlatiga nazar salsak, dunyodagi eng kuchli dasturiy vositalar ishlab chiqarish va meditsina sohasida ancha rivojlangan. Ular bu sohalarning kelajagini ancha avval sezishgan. IT-maktab, IT-kollej, IT-universitetlar va IT-markazlar tashkil etishgan. Ta'lim-tarbiya jarayoniga AKTni joriy etgan. Dasturlash

tillarini o'rganish va "suniy ong" texnologiyalarini yaratishga katta etibor qaratishga va bu hozirda o'z samarasini bermoqda. Dasturiy vositalar ishlab chiqarish bu qo'shimcha moddiy resurslar talab qilmaydigan, ekologiyaga va atrof muhitga zarar yetkazmaydigan, ishlab chiqarishning yangi turi hisoblanadi. 2021 yil 27 yanvar kuni muhtaram Prezidentimiz boshchiligida o'tkazilgan yig'ilishda "...Yil davomida yana 100 ta raqamli texnologiyalar o'quv markazi tashkil etilib, 20 ming nafar yoshning dasturlash va axborot texnologiyalari sohasida innovatsion tadbirkorlikka o'qitish yo'lga qo'yiladi..."- degan so'zlarni aytib o'tgan edi. Bu Xalq ta'limi va Oliy va o'rta-maxsus ta'lim vazirligiga tegishlidir, ammo, xalq ta'limi tizimiga bolalarni kim tarbiya qilib beradi, albatta, maktabgacha ta'lim tizimi. Demak, Yangi O'zbekiston IT soha va dasturiy vositalarni ishlab chiqarish bo'yicha jahonda yetakchi davlatlar qatorida turishi kerak. Buning uchun biz, dasturchi yoshlarni tarbiyalashni bog'chadan boshlashimiz kerak.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida, hozirgi kunda ko'plab to'garaklar faoliyat yuritib kelmoqda. Bular sport to'garaklari, san'at to'garaklari, mental arifmetika va til to'garaklari. Ularning barchasi barkamol avlodni tarbiyalashda muhim o'rin tutadi. Shu qatorda kompyuter texnologiyalariga qiziqishi yuqori bo'lgan va iqtidori bor bolalar uchun bog'chalarda "Kichik dasturchilar" to'garagini tashkil etish ham bugungi kun talabiga hamohang deb bilaman.

"Kichik dasturchilar" to'garagini maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tashkil etish, bolalarda dasturlash tillariga va algoritmlashga bo'lgan qiziqishni yanada oshiradi va kelgusida iqtidorli dasturchilarni yetishtirib chiqishda katta o'rin tutadi.

"Kichik dasturchilar" to'garagini maktabgacha ta'lim tashkilotida tashkil etish uchun tashkilotda AKT vositalari bilan ta'minlangan xona, tajribali mutaxassis va iqtidorli bolalar kerak. Xonani jixozlashda alohida e'tibor bolalarnig joylashuviga qaratilishi kerak, bitta guruhda 10 nafargacha bola bo'lishi maqsadga muvofiq. Xona katta, IT dizaynida ta'mirlangan, yorug' va shinma bo'lishi kerak. Bunda pedagog va bolalar o'rtasida o'zaro aloqa erkin bo'ladi. Bolalar har biri alohida yakka stol va stulda o'tirishlari kerak. Bolalarning har birida planshetlar bo'lishi kerak. Planshetlar WI-FI orqali "xavfsiz" internet tarmog'iga ulangan bo'lishi kerak.

Xonda katta sensorli yoki interaktiv doska bo'lishi kerak. Bunda to'garak mashg'ulotlarini pedagog bolalarga tushintirib berishida va bolalar topshiriqlarni bajarishda foydalaniladi. Bolalarga uy vazifalari berilmaydi. Mashg'ulotlar davomiyligi bola yoshiga qarab, 15-20 daqiqadan oshmasligi kerak. To'garak mashg'ulotlarini haftada 3 marta, orada bir kun tanaffus bilan tashkil etish kerak. To'garak davomiyligi 3 oy. Zaruratga qarab uzaytirish ham mumkin.

Bolalarga dasturlash tillari va algoritmlash asoslari bo'yicha jahon tajribasiga asoslangan dasturiy vositalardan foydalanish maqsadga muvofiq. Masalan mashhur CodeMonkey, CodeKarts, ScratchJr kabi dasturlar. Bu dasturlar orqali bolalarga algoritmlash asoslari qiziqarli o'yin va mashg'ulotlar orqali o'rgatiladi. Bog'chani tamomlagan bolalar maktabda ham mazkur dasturlarni o'rganishlarini davom ettirishi mumkin. Sababi bolalarning yoshiga qarab o'yinning murakkabligi ham oshib boraveradi. Bu bilan bolalarning dasturlash va algoritmlashga qiziqishini oshirib borish va maktablarda tashkil etiladigan "Yosh dasturchilar" to'garagiga tom ma'noda tayyorlab borishga erishiladi.

Yuqoridagi dasturiy vositalar barchasi chet davlatlarda ishlab chiqarilgan va bizning mintalitetga ba'zi qismlari to'g'ri kelmasligini inobatga olib, o'zimizning milliy dasturiy vositalarni ishlab chiqishda O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi bilan hamkorlik qilish maqsadga muvofiqdir.

Xulosa qilib aytganda, biz bugungi zamon talablariga mos dasturchilar va AKT mutaxassislarini tarbiyalab chiqarmoqchi bo'lsak, eng avvalo maktabgacha ta'lim tizimidan bunday ixtisoslikdagi o'zgarishlarni qilishimiz kerak. Zero bugungi bog'cha tarbiyalanuvchilari bizning ertangi kunimiz egalaridir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Maktabgacha ta'lim tashkilotida ta'lim-tarbiya jarayonida axborot kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash va ulardan foydalish taraqqiyot poydevoridir – Oriental Renaissance. ISSN 2181-1784 SJIF 2021:5.423 N.A.Ikromova
2. R.R.Boqiyev, R.Yu.Mehmonov, D.K.Xusniddinova – "Bolalar bog'chasida kompyuter savodxonligi" (o'quv-uslubiy qo'llanma) 2016.
3. A.A.Abduqorirov, N.N.Begmatova – "Maktabgacha ta'lim muassasalarida multimedia texnologiyasidan foydalanish uslubiyoti" (o'quv-uslubiy qo'llanma) – Qarshi:«Nasaf», 2011.
4. <https://www.president.uz> - sayt materiallaridan olindi.
5. <https://www.lex.uz> - sayt materiallaridan olindi.
6. <https://www.codemonkey.com/> - sayt materiallaridan olindi.

TECHNOLOGICAL SCIENCES

Интерактивные методы, способы и рекомендации цветовых палитр для различной инфографики (infomonotype)

Ф.А. Абдушукуров

Технический институт ЁДЖУ в г. Ташкенте

f.abdushukurov@ytit.uz

Abstract. When designing infographics, regular users usually cannot get the desired color palettes using existing infographics, development tools that sometimes sacrifice customizability, require design expertise, or neglect the influence of spatial layout elements. We are building a recommendation engine using deep learning methods to identify good data-driven color design practices and further developing Info Monotype, a tool that allows users to get color palettes for their infographics in an interactive and dynamic way. Info Monotype can provide compelling palette recommendations with enough flexibility to enable users to efficiently achieve high-quality color design input for infographics with little effort.

Keywords: Infographics, monotype, graphic, infographic monotype.

Графики показали себя в качестве продуктивного метода понятия наиболее различных видов информации. Графики дают очевидную информацию об взаимосвязи, среди отдельных блоков в огромной составной части совместной и отчетливой структуре для присвоения качеств к узлам также объединяющим их ребрам. В следствии собственной эластичности, графо подобные структуры сведений имеют все шансы составлять широкую информацию, что обладает главную роль в целях множества приложений. Мы детально опросили троих специалистов в области графического дизайна. Они высказали мнение о значении новейшие функции Info monotype, а также сумели сформировать заманчивую инфографику, отвечающую их нуждам, всего за ряд действий. Подобным образом, наше главное вложение охватывает в себе следующее:

Новейший аспект, базирующийся на основе сведений, что советуют палитры для инфографики, применяя способы углубленного преподавания

с учетом пространственного расположения составляющих, предлагая при этом гибкость в целях пользовательских предпочтений цветов;

Интерактивный механизм Info monotype, что содержит в себе советы в базе сведений также создает его просто легкодоступным также контролируемым с целью пользователей, но кроме того удерживает итеративный дизайн, а также базисное редактирование инфографики;

Сведения, а также итоги серии оценок, включающих предметные исследования, регулируемое изучение пользователей, онлайн анкетирование и интервью.

Согласно по сравнению с простыми диаграммами либо текстом, инфографика содержит в себе вспомогательные визуальные декорации, такие как значки, формы, рисунки, а также пиктограммы, для привлекательной передачи абстрактных данных.

Для того чтобы упростить формирование эстетической инфографики, эксперты создали большое число авторских инструментов, которых имеется возможность разделить на 3 ключевые категории: наборы инструментов для программирования, интерактивные среды проектирования, а также полуавтоматические либо целиком автоматизированные инструменты. Комплекты инструментов для программирования дают возможность пользователям формировать визуализации с наибольшей степенью гибкости [1-3].

Так как большая часть инструментов инфографики сконцентрированы на формировании геометрического содержания составляющих инфографики, наша основная задача — упростить значимый последующий шаг — цветового дизайна. Мы установили последующие цели проектирования.

Наиболее незначительный барьер навыка для формирования профессиональных цветовых палитр. Графические дизайнеры единовременно предусматривают большое количество факторов при формировании качественных палитр, подобных эстетике, гармонии и

улавливаемой видимости. Но данная задача трудна для простых пользователей из-за отсутствия навыка, поскольку может быть безграничное число альтернатив цветовых палитр. Концепция обязана определять прогрессивные методы, воплощенные в дизайнах ручной работы, а также содействовать пользователям с автоматическими рекомендациями в соответствии с палитрой, отражающими эти прогрессивные методы.

Гибкость для внедрения разных пользовательских опций. У каждого пользователя могут быть свои предпочтения при создании различных световых палитр. Например, они могут захотеть применить какую-то определенную или семантически значимый цвет какому-либо определенному элементу. Концепция обязана гарантировать тактичный механизм, предоставляющий задавать разнообразные виды цветовых предпочтений для интересующих составляющих, а также избавлять пользователей от рассмотрения расцветок для иных составляющих.

Поддерживание элементарных взаимодействий с пользователем, а также периодическое проектирование цветовых палитр. Пользователи полагаются на простейший интерфейс для доступа к системным инструментам. Система должна обеспечивать ясное взаимодействие с пользователем, такие как получение рекомендаций по палитрам, указание предпочтений цветовых палитр и ограничений, а также редактирование и просмотр инфографики. Система должна помогать с уточнением результатов с участием человеческого фактора в цикле.

Принимать во внимание пространственные размещение элементов. Расположение элементов в пространстве инфографики имеют сильное влияние на восприятия цвета. Если даже палитра цветов выглядит хорошо, она может иметь низкую эффективность после применения. Система должна адаптировать цветовые палитры к определенному

пространственному расположению инфографики, тем самым освобождая пользователя от настройки цвета.

Литература

1. M. Bostock, V. Ogievetsky, and J. Heer. D3 data-driven documents. *IEEE TVCG*, 17(12):2301–2309, 2011.
2. A. Desolneux, L. Moisan, and J.-M. Morel. Gestalt theory and computer vision. In *Seeing, Thinking and Knowing*, pages 71–101. 2004.
3. Z. Chen, Y. Wang, Q. Wang, Y. Wang, and H. Qu. Towards automated infographic design: Deep learning-based auto-extraction of extensible timeline. *IEEE TVCG*, 26(1):917–926, 2019

**Тикув буюмларини ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат
унумдорлигини ошириш йўллари**

Магистрант **М.Шарипова, М.Чоршанбиева**

Илмий раҳбар: т.ф.н.доц.**Маджидова Ш.Г**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация. Ушбу мақолада тикув корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш учун тавсиялар кўрсатилган.

Аннотация. Annotation. This article provides proposals for increasing labor productivity at sewing and striking enterprises.

Калит сўзлар. транспорт воситаси, тикув буюмлари, меҳнат предметлари.

Тикувчилик саноатида ишлаб чиқариш корхоналарини ва фирмаларни ташкил қилишни кенгайтириш тикув корхоналарни ихтисослаштиришни амалга ошириш, янги техника ва технологияга эга тайёрлов-бичиш ва пардозлаш цехларини ташкил қилиш, тикув буюмларини тайёрлаш бўйича юқори унумли комплекс механизациялашган оқимларни саноатга тадбиқ этиш талаб этади. Технологик жараёнларни ташкил қилишнинг асосий шакллари эса технологик жараёнларни яримавтомат ва автомат машиналарини кенг қўллаб комплекс механизациялаштириш учун шароит яратадиган кўп фасонли оқимлар ҳисобланади. Бундай оқимларда меҳнат предметини иш жойдан кейингисига ўтказиш учун кам харажатли усулларидан фойдаланиш ва уларни механизациялаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи бозорини янги турдаги сифатли тикув-трикотаж маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида янги турдаги моделларни ишлаб чиқариш, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини замонавий техника-технологиялар натижасида такомиллаштириш, корхоналарда тажрибали кадрларни ишлашини таъминлаш бугунги кундаги асосий талаблардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлигини ошишига таъсир кўрсатади.

Шу сабабли тикув-трикотаж корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш, замонавий асбоб ва мосламалардан ўз ўрнида ва тўғри

фойдаланиш меҳнат унумдорлигини ошишининг энг осон ва самарали усули ҳисобланади.

Бироқ айрим корхоналарда бу борада бир нечта камчиликлар ҳам кузатилмоқда. Хусусан, трикотаж корхоналарида иш ўринларининг нотўғри ташкил этилганлиги. Бунда жиҳозлар ходимларга нисбатан тескари қўйилганлиги сабабли уларга ноқулайлик туғдириши оқибатида ходимнинг ишлаш тезлигига салбий таъсир қилишига олиб келмоқда.

Турли хил кийимларни ишлаб чиқаришга тушириш учун, уларни конструктив-технологик асосини ўрганиб алоҳида гуруҳларга ажратиш лозим. Гуруҳларга ажратишда уларни тикиш технологияси, қўлланиладиган материаллар, жиҳозлар ва мосламалар эътиборга олинади. Юқорида келтирилган маълумотлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, маҳсулот сонини кўпайтириш, буюм сифатини яхшилаш, ассортимент турини кўпайтириш учун ишлаб чиқариш оқимида:

- ишчиларни иш вақтидан унумли фойдаланиш;
- асбоб-ускуналарни максимал юклаш;
- иш ўринларини тўғри ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш лозим.

Ишлаётган корхонани таҳлил қилиш орқали унда мавжуд бўлган шароит ўрганилди ва унда янада меҳнат унумдорлигини ошириш учун тавсиялар берилди

Шу бўйича кийим турларига мос равишда ихтисослаштирилди. Трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга мос равишда секциясиз оқим тури лойиҳаш тавсия этилди. Технологик жараён мураккаблиги бир хил бўлган моделларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилиши тавсия этилди. Бунда деталларни бириктириш усуллари конструкцияси унификациялаштирилган бўлиши керак. Шу билан бирга юқори сифатли ва кам меҳнатни таъминловчи асбоб-ускуна ва мосламалар номенклатураси, буюмларга ишлов бериш технологиясини унификациялаштирилиши лозим.

Оқимда иш ўринларини юқори даражада ихтисослаштирилиши тавсия этилди. Ишлов беришнинг барча жараёнлари бир қатор концентрациялаштирилган операцияларга бўлиниши керак.


Шунингдек, оқимда оқим столини ўрнига механизациялашган транспорт воситасини қўллаш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Хозирги кунда меҳнат предметларини узатиш учун ҳаракатланмайдиган транспорт воситаларидан оралиқ столлар қўлланилади. Ишлаб чиқариш жараёнига транспорт воситаларини танлашда куйидагиларга этибор берилди:

- ишлаб чиқариш оқимини ихтисослаштирилишига, яъни ассортимент ва қўлланиладиган газлама хусусиятига қараб ташиш воситасини конструкцияси танланади;
- ишлаб чиқариш оқимининг қўвватига, яъни оқим секцияларга бўлиниши мумкин ва ҳар бир секцияда мос келадиган транспорт воситаси танланади;
- ташкилий операцияларни қарралигига;
- цех юзаси ва унинг конструкцияси;
- қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ўлчамлари.

Оқимлардаги гуруҳ ва секцияларда иш ўринлари асосан технологик жараённинг боришига қараб жойлаштирилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсизлигини оширишга асосан иш ўринларни ҳар хил жойлаштириш йўли билан эришилади. Бунда яримфабрикатлар ҳаракат йўлини, ҳамда кўшимча ишни бажариш сарф вақтини қисқартириш мақсадида ҳаракатланадиган транспорт воситасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Тавсия этилаётган транспорт воситаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Деталларни узатиш учун харакатланадиган транспорт воситаси
Хулоса. Ушбу транспорт воситаси ёрдамида корхонадаги оёқчи лавозимидаги
ишчини ўрни қисқаради ва механик транспорт туфайли ишчилар ўринларидан
турмаган ҳолда бир-бирларига меҳнат предметларини узатиш имконига эга
бўладилар.

Адабиётлар рўйхати

- 1.Sh.G. Madjidova, M.K. Rasulova, Texnologik jarayonlarni loyihalash. Дарслик.-Т., ТТҲЕСИ,2011.-1776.
- 2.Pareta. V.B., Sims, C.V., Palma,P.J.M. , Fernandez, L.C, Del Mundo, J.R., Santiago, B.R, Dinglasan, J.M.N Increasing productivity in garments manufacturing through time standardization and work measurement. Volume 2019, Issue MAR, 2019, Pages 1719-1726

Ассортимент шакллантиришда технологик жараёнларни тўғри ташкил килишнинг ахамияти

Исаева Махфуза Хамидовна

Катта ўқитувчи

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

maxfuzaisayeva@gmail.com

Аннотация Мақолада ҳозирги даврдаги моделлар ўзгарувчанлиги вазиятида янги ассортимент ишлаб чиқариш технологик жараёнларини ташкил қилишда ассортимент хусусиятига боғлиқ ҳолда технологик жиҳозларни танлаш тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар ассортимент, технологик жиҳозлар, газламалар хусусиятлари, ишлаб чиқариш хажми, ишлаб чиқаришни режалаштириш.

Тикувчилик корхоналарида янги ассортимент шакллантириш асосан маркетинг изланишларига боғлиқ. Маълум режалаштирилаётган ассортимент билан боғлиқ барча маълумотлар конструкив, технологик ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил килиниши лозим, яъни ассортиментнинг модага ва талабга мослиги, корхонадаги технологик жиҳозларининг мувофиқлиги, ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги. Тикувчилик корхоналарида янги ассортиментни ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш қуйидаги 3та асосий босқичларда олиб борилади:

1. Ишлаб чиқариладиган ассортиментни шакллантириш.
2. Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил килиш.
3. Тайёр махсулотларни буюртмачига ёки харидорга етказиш билан боғлиқ харажатларни режалаштириш.

Ассортимент шакллантирилгандан кейинги босқич технологик жараёнларни ташкил килишдан иборат. Ассортимент танлаш жараёнида ишлаб чиқариладиган кийимлар турига алоҳида эътибор берилиши керак яъни устки кийимлар, трикотаж полотноларидан тикиладиган кийимлар, жинси газламаларидан тикиладиган кийимлар, ич кийимлар махсус кийимлар. Технологик ва ташкилий жиҳатларига кўра ассортимент аниқ чекланиши лозим (1 расм). Маълумки тикув машиналари бажарадиган операциялар ишлов

бериладиган газламаларнинг қалинлик даражалари билан фарқланади, шу сабабдан битта жиҳозда ҳар хил гуруҳдаги буюмларга ишлов беришнинг имконияти мавжуд эмас. Иккинчидан ҳар хил ассортиментдаги буюмлар турли маълум кўламдаги махсус машиналарни ишлатишни талаб қилади. Масалан, жинси газламалардан тикиладиган кийимларни ёки эркаклар костюмларини ишлаб чиқариш учун камида 10 хил турдан ортиқ махсус машиналарни ишлатиш лозим. Ҳар хил ассортиментдаги буюмларни ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалашда ишлаб чиқариш ҳажмини энг минимал кўламлари белгиланганлиги сабабли ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш мумкин. Жинси газламалардан ишлаб чиқариладиган ассортиментлар шакллантирилган ҳолда иш уринлари умумий сони ўрта ҳисобда 25-27 та булиши керак.

Жинси газламалардан тикиладиган буюмлар ассортиментини шакллантиришда ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичининг ўзига хос технологик хусусиятларини кўзда тутиш лозим. Жинси газламалардан тикиладиган буюмларни тугалланган циклида қайнатиш (варка) амалга оширилади.

Корхонада трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш режалаштириладиган бўлса кийимларга нақш босиш ёки кашта тикиш технологик жиҳозлари шу билан бирга нақш босишда ишлатиладиган ҳар-хил бўёқлар, ҳаво алмашилиши масалаларини, экология талабларини назарда тутиш лозим [1,2]. Ишлаб чиқариш жараёнининг ташкилий жиҳатлари тўғри танланиши ҳам ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлиги белгилаб беради. Кўп ассортиментли ишлаб чиқариш жараёнларида технологик жиҳозлардан фойдаланиш даражаси юқори бўлади. Режалаштириладиган ассортимент шунингдек технологик жиҳозлар тури билан ҳам бевосита боғлиқдир. Масалан режалаштириладиган ассортимент устки кийимлар бўлса у ҳолда пастки қиқимларига ишлов бериш учун махсус кўринмас чок билан букиб тикувчи машиналар зарур. Чунки тайёр буюмнинг сифати бевосита технологик ишлов бериш даражаси билан белгиланади. Ассортимент

шакллантириш жараёнида технологик жиҳозларни иложи борича созловчи қисмлар ва фирма кафолати масалалари юзасидан битта фирма жиҳозларини олиш мақсадга мувофиқ. Хозирги кунда технологик жиҳозлар яъни тикув машиналари нарх даражаларига кўра асосан 3 хил даражада фарқланади:

1. Юқори қийматли тикув машиналари фирмалари: «Pfaff», «Durkopp Adler», «Juki», «Singer», «Brother».
2. Ўрта қийматли «Global King teks», «Sun Star», «Siruba», «Tekstima», «Taking», «Minerva».
3. Қуйи қийматли «Jek», «Juita», «Ваоуи», «Мақи».

Ассортимент турига боғлиқ ҳолда газламаларни бичиш ускуналари ва намлаб-иситиб ишлаб бериш дазмоллари, пресслар танланади. Корхоналарда ассортимент шакллантиришга таъсир килувчи асосий факторлар: 1. Маълум ассортиментга талабнинг мавжудлиги. 2. Мода йуналиши. 3. Технологик жиҳозлар турлари. 4. Асосий газламалар, ёрдамчи материаллар, фурнитуралар билан таъминлаш масалалари. 5. Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкилий жиҳатлари. 6. Ишлаб чиқариш хажми.[3].

Хозирги мода ўзгарувчанлиги вазияти тикув буюмларини ишлаб чиқаришни лойихалаш жараёнларини анча мураккаблаштиради. Иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган ассортимент шакллантириш учун ишлаб чиқариш жараёнларини пухта режалаштириш зарур. Янги коллекцияларни айнан эскиз лойиха боскичида ишлаб чиқаришни режалаштириш - ишлаб чиқариш - тайёр буюмларни буюртмачи, харидорга етказиш билан боғлиқ муаммоларни олдиндан кўра билиш уни ечишнинг оптимал механизмларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Адабиётлар

1. Ганке М.А. Внедрение новой техники и технологии — гарантия выпуска продукции высокого качества. Омский научный вестник №1 (26), г. Омск, 2004, с.129-131.
2. Шершнева Л.П., Сунаева С.Г., Баскакова Е.В., Ганке М.А., Козлова Т.Е. САПР — одежды в решении проблем увеличения темпов сменяемости моделей. Швейная промышленность, 2004. № 6. 24-26с.
3. А.А. Ганулич. «Швейное оборудование-проблема выбора для малых предприятий». Техника, технология, инженерия. 2017.

Программирование путем независимых блоков

F. A. Abdushukurov

Yeosu Technical Institute in Tashkent

f.abdushukurov@ytit.uz

Абстракт: Creating programs by combining blocks into one single structure is a way of modular programming. This method allows you to quickly increase software development, division of labor, good security, easy readability, controllability and adjustment.

Ключевые слова: Function, module, program code, modular programming, main module.

Один с ключевых вопросов в разработке программного обеспечения при применении классических процедурных способов состоит в том, что речь идет об крупных проектах, где трудности появляются около большого программного проекта, который должен быть создан. В подобных проектах, содержащих тысячи строчек программного кода, становится труднее обладать точным пониманием об этом, то, что создает каждый сектор программного кода. С целью ликвидации трудностей, неразберихи, а также возобновления 1-го и того же программного кода в различных стадиях плана существует способ модульности. Этот метод нацелен на том, чтобы иметь программные коды, созданные в секторах подобным способом, для того чтобы осуществить конкретную функцию, которая назначена определенной части проекта.

Сопряженные функции вмещаются в один модуль [1]. Так как модули самостоятельны друг от друга, всеобщее программное обеспечение становится комплектом многофункциональных единиц либо же это могут являться и подпрограммы, элементы полной программы.

Модульное программирование принадлежит к обычным системам, к ходу распределения каждой завершенной программы на отдельные подпрограммы. В подобном объеме модуль предполагает собою самостоятельный программный элемент, который зачастую способен применяться в разнообразных функциях наравне с иными элементами системы.

Схожие функции подобраны в единице программного кода. Тем не менее, отдельные функции разрабатываются как отдельные считанные единицы программного кода, также в последствии код способен быть снова использован иными приложениями. В существенной степени располагается в согласии с концепцией модульного программирования. Модульное программирование в программировании дает возможность многим программистам разделять труд, а также без помощи других отлаживать составляющие программы.

В некоторых случаях в больших проектах задействовано большое количество разработчиков программного обеспечения, трудящихся над десятками тысячами строчек программного кода. В подобной сфере делается проще лишиться результат того, что создает определенный код, либо внедрить код, который обязан являться перепечатан в каждом ином месте. Дабы исключить аналогичных сценариев несерьезного планирования, модульность прибывает в поддержку в программировании. Данное обозначает разделение и организации программного кода с учетом, выполняемой им задания. Подобным способом, код становится многократным, его проще отлаживать и координировать.

Проанализируем более значительные достоинства модуляризации в программировании:

- Безопасность
- Многократное использование кода
- Настройка
- Легкая читабельность
- Контролируемость

Создание крупных программ имеет возможность являться трудным процессом. Но в случае, если проект сформирован с учетом модульности, то любая цель имеет собственный раздел программного кода. В следствии, если появляется проблема в определенной функции, разработчики программного обеспечения знают, где найти погрешность и устранить её.

Модульный код гарантирует возможность вторичного применения программного кода. В случае если некоторые проблемы классифицируются на функции либо классы, разработчики программного обеспечения имеют все шансы вторично применять данный определенный код каждый раз, если им необходимо осуществить задачу вновь. В случае если тот или иной код никак не организован в отдельные составляющие, в таком случае значительно сложнее, но в некоторых случаях в том числе и нереально, опираться, разделять либо расширять данный код в ином контексте программирования.

Модульный код — это самый организованный код. Это означает, то что разработчики программного обеспечения имеют все шансы осуществить любую долю программного кода с учетом того, что они создают. В следствии они смогут просто отыскать, либо отметить данный код, базирующийся в схеме их компании. Это еще никак не все, некоторые разработчики программного обеспечения, которые также трудятся над кодом, приобретают возможность руководствоваться схеме компании, для того чтобы прочесть код. Это улучшает код в целях комфорта применения некоторыми разработчиками и уменьшают степень трудностей.

Код, что проще прочитывать, отлаживать, сохранять также коллективно использовать, постоянно функционирует относительно ровно с наименьшим числом ошибок. Это становится потребностью при работе над большими программами, над которыми работают сотни создателей. Все без исключения создатели обязаны либо вместе использовать, либо трудиться над кодом, что в перспективе обязано являться связью с кодом иных создателей [2]. Модуляризация программного кода считается потребностью при безопасном формировании трудного программного обеспечения.

Как мы ранее говорили, данная политика разрушает процесс на наиболее контролируемые части. При формировании крупный проекта в некоторых случаях бывает сложно сконцентрироваться в каком-то одном фрагменте программного кода. По этой причине, если разделить его в отдельные задачи, процедура никак не представится таковым трудным [3].

Модульность имеется в программировании только лишь ради облегчения работы человека. Компьютер никак не требует, чтобы код программы был поделен в наиболее мелкие сектора, для того чтобы обладать возможностью его запускать. Только лишь когнитивные ограничения людей вынуждают осуществлять код в не крупных частях.

ЛИТЕРАТУРА

1. Бадд Тимоти Объектно-ориентированное программирование в действии/ [Пер. с англ. А Берднокова; Гл. ред. В. Усманов]. - СПб: Питер, 1997.
2. Басс Лен Архитектура программного обеспечения на практике/ Л. Басс 2-е - изд. - СПб: Питер, 2006.
3. Иванова Г.С. Основы программирования [Учеб. для вузов] 2-е - изд. перераб. и дополнено. - М.: изд - во МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2002.

Morphological changes in the lung tissue in covid pneumonia

**Mukhamedzhanova Mastura Khayatovna,
Istamova Aziza Hikmatovna**

Bukhara State Medical Institute, Uzbekistan


Summary. The lungs are the organ most affected by SARS-CoV-2. The virus, penetrating into the epithelial cells of the upper respiratory tract, descends down the mucous membrane, gaining access to host cells through ACE-2, which is most common in type II alveolocytes. Diffuse inflammation begins in the lungs, passing through certain stages: at first, single foci appear, which gradually merge and cover almost all the lungs. The process is usually bilaterally symmetrical. The study studied macro and micropreparations of the lungs of patients with Covid pneumonia, which were obtained during autopsies.

Keywords: COVID-19, pneumonia, lung morphology.

Cytokine-activated alveolar macrophages and neutrophilic leukocytes attach to the pulmonary capillary endothelium and release the contents of their cytoplasmic granules (proteases and toxic oxygen metabolites). This leads to damage to the capillary endothelium and alveolar epithelium, disrupting the alveolar-capillary barrier. As a result, the exudate penetrates into the lung parenchyma and alveolar air space. Gas exchange is disturbed, and hypoxia occurs. Type II ovalocytes, which are responsible for the formation of surfactant, are damaged. This results in collapse of the alveoli, decreased lung compliance, and intrapulmonary shunting. In addition, pulmonary hypertension develops as a result of intravascular thrombus obstruction, pulmonary vasospasm due to hypoxia, and the action of certain inflammatory mediators (thromboxane, leukotriene, endothelin).

Due to direct viral damage, the microvasculature suffers. Lung damage in COVID-19 is characterized by plethora of capillaries of the interalveolar septa, as well as branches of the pulmonary arteries and veins with erythrocyte sludge, fresh fibrin and organizing thrombi; intrabronchial, intra bronchoalveolar and intra alveolar hemorrhages. Perhaps the formation of hemorrhagic infarcts. These hemorrhages are a substrate for hemoptysis.


It is important to distinguish vascular thrombi from thromboembolic, as pulmonary embolism (PE) is also characteristic of COVID-19. Thrombosis of the pulmonary arteries can reach the right side of the heart. Thrombosis of arteries of various organs with the development of their infarcts are described. Such lung lesions are the cause of death without the addition of bacterial and fungal superinfection. Those processes that occur in the lungs are illustrated by photographs of micro preparations that were performed during autopsies (Fig. 1).



Picture 1. Viral damage to the trachea and bronchi. In the trachea and large bronchi, the epithelium is partially desquamated, with signs of viral damage (the presence of multinucleated and malformed cells), and there is no inflammatory infiltration.

In the proliferative phase, in most patients, the lungs are restored: exudate is removed, cell infiltration. Type II ovalocytes proliferate, form a new surfactant and differentiate into type I alveolates’.

But even in this period, many patients have shortness of breath, hypoxemia. In some patients, the process enters the fibrotic phase.



Fibrin accumulated in the lungs undergoes remodeling and can cause fibrosis.

Figure 2. In the lumen of the alveoli, fibrin, growths of fibroblast tissue, fields of obliterating bronchiolitis and areas of loose fibrosis with slit-like structures lined with metaplastic squamous epithelium, interstitial inflammation with thickening and swelling of the interalveolar septa, edema and myxomatosis of the perivascular stroma.

Conclusions. During the morphological study of the lungs, the process was studied in 3 phases: exudation, proliferation and fibrotic. Each phase proceeds with a characteristic clinic and requires further study for the correct choice of the correct treatment.

Literature:

1. Dong Y, Mo X, Hu Y et al. Epidemiological characteristics of 2143 pediatric patients with 2019 coronavirus disease in China [abstract]. *J Emerg Med* 2020;58(4):712–3. Abstract by C. Eastin, T. Eastin.
- 2 Guan WJ, Ni ZY, Hu Y et al. Clinical characteristics of coronavirus disease 2019 in China. *N Engl J Med*. 2020;382(18):1708–20. doi:10.1056/NEJMoa2002032
3. Halfmann PJ, Hatta M, Chiba S et al. Transmission of SARS-CoV-2 in domestic cats. *N Engl J Med*. 2020;383(6):592–4. doi:10.1056/NEJMc2013400
4. World Health Organization (WHO). Pneumonia of unknown cause - China [Internet]. WHO; 2020 Jan 5. URL: <https://www.who.int/csr/don/05-january-2020-pneumonia-ofunkown-cause-china/en/>
5. Wong JE, Leo YS, Tan CC. COVID-19 in Singapore — current experience: Critical global issues that require attention and action. *JAMA*. 2020 Apr 7;323(13):1243–4. doi:10.1001/jama.2020.2467
6. Ismatova MN, Mukhamedjanova MKh, Ashurov FZ. Structural changes of the respiratory organs due to COVID-19 disease. *NDM* 5 (43) 2022

Тонгги кўрсатувлар тайёрлашдаги замонавий ёндашувлар

Шохсанам Махамаджанова

УзЖОКУ магистранти

Тонг тажриба, синов ва хато учун қулай вақт эмас. Гап шундаки, 6.00дан 9.00гача дастур томошабинлари камида уч марта ўзгаради. 6:30да уйғонган ва 7:30да ишга кетганлар, бошқалари эса уйғониб, соат 9:00гача қаергадир йўл олганлар, қолганлари – уйда ёки фарзандларини болалар боғчаси, мактабга олиб бориб, турмуш ўртоқларини ишга кузатган уй бекалари бўлиши мумкин. Ушбу гуруҳларнинг ҳар бири телевизор экранидан манфаатлари доирасида керакли маълумотларини кўришни исташади.

Шу пайтдан бошлаб томошабинни экрандан узоқлашмай, дастурни охиригача томоша қилишга ундай олиш тонгги дастур ижодкорларининг зиммасидаги асосий вазифадир. Тонгги дастурларнинг оммабоплигини янада кўпроқ таъминлаш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш жоиз:

- Ноодатий сарлавҳа. Яъни, тонгги дастур таркибидаги лавҳаларнинг номи қанчалик ёрқин ва эса қоларли бўлса, бу дастурнинг ярим ютуғини белгилаб беради.

- Экспрессивлик. Эрталабдан томошабинларни илҳомлантириш. Чунки, олдинда янги иш куни бор ва уни ёқимсиз тасвир билан бошлаш мумкин эмас. Шунинг учун, экрандан экспрессивлик хусусиятига эга тасвирлар кетма-кетлиги жой олиши муҳим.

- Аниқлик Бадий техника (кино техникаси) ҳар доим ҳам тонгги дастурга тўғри келмайди. График баёнотингиз томошабин учун тушунарли, аниқ бўлиши керак. Видеокадрлар сахнада нима дейилганини акс эттиради, акс ҳолда томошабин ахборотларни бутунлай аралаштириб юборади.

- Очик ҳаво тасвири. Кўпчиликнинг орзусидаги тонг куёшининг энг нозик нурлари, иссиқ қон томирлари, юмшоқ ёстиқ ва мазали қаҳвага боғлиқ. Тонг тасвирлари шундай ёрқин, ижобий, ҳаётни тасдиқловчи бўлиши лозим. Экранда биринчи марта кўрсатилган тасвир қоронғи, зерикарли, тунги атмосферада бўлмаслиги керак

•Позитивлик. Инсоннинг эрталабки ўйлари жиддий маълумотлардан эсдаликларга қадар чўзилиб кетган тўлқинларнинг миқдори билан белгиланади. Телевидение томошабиннга табассум бера олиши, кайфиятини кўтариши аҳамиятлидир.

•Замонавийлик, услуб. Мода ҳақида ҳамма тушунчага эга эмас, лекин у ҳар доим ўз тамойиллари ва қонунларини белгилайди. Томошабин йилдан йилга талабчан бўлиб, унинг эстетик даражаси ўсиб бормоқда. Маданий жиҳатдан янада кўпроқ мафтун этилиш истаги пайдо бўлади. Динамик клипларни таҳрир қилиш, ноқулай тартибга солиш, темп, ритм, тақдимотчиларнинг тақдимоти, ёруғлик ва қўшимча эффектларни қўллаш орқали замонавий тасвирга эришиш мумкин.

•Ахборотни тақдим этиш, янгиликлар, одатда оддий мавзулар. Телевизион экранларда йилдан-йилга мева, сабзавот ва бошқалар ҳақидаги янгиликлар, яъни қулупнай, картошка, биринчи тушган барглар, биринчи ўрим-йиғим каби мавзуларга қўл уришг оммалашмоқда. Бу каби мавзуларга қарамадан, томошабинларни тайёр маҳсулотни томоша қилиш ҳар доим қизиқтиради. Асосий вазифа томошабинни бугунги мавзуни долзарблиги билан ажаблантирмасликдир.

•Графика, аудио эффектлар ва бошқа қўшимча визуал ечимлардан фойдаланиш. Яхши ишланган, рангни тузатувчи расм ўзини ўзи тўлдиради. Лекин, барча мавзуларни (истисносиз) максимал даражада тушуниш учун қўшимча аудиовизуал эффектлар ёрдамга келади: графика, музика, шовқинлар, расмлар ва бошқалар. Буларнинг барчаси томошабинни ахборотни қабул қилишига ёрдам беради. Агар бирор нарсани ўтказиб юбормаса ҳам, экран эшитиш қийин бўлганини тасвирлаб беради.

•Темперация. Телевидение биринчи навбатда, томоша. Шунинг учун, барча маълумотлар томошабинни зериктирмаслиги учун кўрсатилади. Юқоридаги барча компонентлар бунинг далилидир. Бу рақам нафақат кадрларнинг ўзгариши, уларнинг динамикаси, балки лойиҳанинг умумий ритмидир.

•Шахсий манфаат. Ижодкорлар, эҳтимол, ўз-ўзини танқид қилишнинг энг муҳим воситаларидан бири. Бу эса уларнинг ҳар доим ўсиши, ҳар сафар маҳсулотни яхшироқ ва яхшироқ қилиш истаги, кутилмаган лойиҳаларни ихтиро қилиш ва амалга оширишга қаратилганлигини англатади. Ҳар бир тугалланган иш доирасида улар ҳар доим ўз фамилияларини ёзадилар. Бу мезон барча ишлар учун бир турдаги филтер бўлади.

Ана шу хусусиятларга таянган ҳолда тайёрланган тонгги медиаасарлар телетомошабиннинг диққат-эътирофига сазовор бўлиши мумкин. Бироқ, бу жиҳатларни ҳар бир дастур ўзига хос тарзда турлича тақдим этади. Масалан, давлат телеканалларидаги тонгги дастурларда асосан тўғридан-тўғри оддийликка йўналтирилган ёндашувлар кўп учраса, замон билан ҳамнафас фаолият юритаётган тонгги кўрсатувлар кретивликка урғу беришади. Мазкур бандда замонавий, креатив ёндашувларнинг тонгги дастурларда қўлланилишини таҳлилга тортамиз. Аввало, шу турдаги ёндашувларнинг тонгги дастурларда мавжуд хилларини таснифлаймиз:

- интерактивлик;
- жонли эфир;
- мусиқий шоу;
- студия ошхонаси;
- суҳбат;
- лайфхейк;
- психологик тренинглари.

Тонгги кўрсатувларга интерактивликдан фойдаланиш орқали уларнинг оммабоплиги юқори даражада таъминланиши мумкин. Умуман, интерактивлик сўнгги йилларда энг кўп қўлланиладиган ва самарали ёндашувга айланиб қолди.

“Интерфаол журналистика – таҳририят жамоаси ва аудитория ўзаро муносабатларининг ўзгариш, матбуотни оммага бир томонли таъсирини ўзаро ҳамкорлик томонга йўналтириш, журналистлар монологидан аудитория билан диалогга, ўзаро ахборот алмашишга ўтишни англатади. Бундай муносабатлар

иккаласини ҳам тенг ҳуқуқли ахборот ҳамкорига айлантиради. Бундай ҳол яққол равишда интернет нашрларда, теле- ва радиомулоқот чоғида намоён бўлади”.²

Интерактивлик – шунчаки техникавий имконият холос эмас, бу – ниҳоятда муҳим ижтимоий жараёндир. Бу жараённинг келиб чиқиш тарихи, унинг бугунги давр учун аҳамиятини англаш зарур. Уларни англамай туриб, ҳозирги даврда шиддат билан ривожланиб бораётган интерактив журналистика тараққиётини, истиқболини тасаввур қилиш қийин. “Оммавий ахборот воситалари муҳарририятларига мухлисларнинг хати ва телефон кўнғироқларининг келиши коммуникациянинг ўзаро йўналтирилган жараёнини аниқлаш имкониятини яратади. Шубҳасиз, бундай кўринишдаги акс алоқа ўзига хос хусусиятга эгадир. У оммавий коммуникацияни такомиллаштиради, аммо ахборот узатиш таъсирчанлигини оширмайди”.³

“Интеракционизм” сўзининг луғавий маъносида (инглиз тилида: “интер”-ўзаро, “астион” – ҳаракат, фаолият) бу – ҳаракатланиш, ўзаро таъсир қилиш, бизнинг мавзумизда ахборот алмашиш, кенг маънода эса ижтимоий таъсир кўрсатиш, яъни мулоқот жараёнида ахборот алмашинувининг икки тарафлама фаоллашувини билдиради, ўзаро ўрганмоқ маъноларини англатади.

Миллий телевидениемиздаги тонгги кўрсатувларда интерактивлик оз бўлса-да қўлланилади. Масалан, тонгги дастурларининг дастлабки намунаси “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Ассалом, Ўзбекистон!” кўрсатувида мухлислар ўртасида турли танловлар уюштириш орқали интерактивликни қўллашга уринишлар сезилади. Бироқ, бу жуда эскирган услуб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фаол интерактивлик кўзга ташланмайди. Шунингдек, блиц сўровлар, томошабинлар саволлари, мухлислардан мактублар қабул қилиниши ҳам дастурнинг интерактив хусусиятларини белгилаб беради.

²Луғат-маълумотнома. Журналистика, Реклама, Паблик Релейшнз. 1700та атама. Муаллифлар ҳайъати. Ф.П.Нестеренко (раҳбар) Т.: “Зар қалам”, 2003. – Б.103

³ Конечкая В.П. Социология коммуникации. М.: 1997. – С.204

“Тошкент вақти” кўрсатувида ҳам шу каби интерактив уринишлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. “Ёшлар” телерадиоканали орқали эфирга узатилаётган “Янги кун” дастурида эса замонавий интерактивлик яққол кўзга ташланади. Яъни, жонли эфир орқали викторина саволлари эълон қилинади ҳамда телетомошабинларнинг фаол иштироки кўзга ташланади. Голиб бўлган мухлислар дастурнинг навбатдаги сонига таклиф қилинади ва эсдалик совғалари билан тақдирланади. Албатта, бу бевосита жонли эфир билан боғлиқ.

Тонгги кўрсатувларнинг жонли эфир орқали ўз намоёишини тақдим қилиш анъанаси, авваламбор, хориж телеканалларида бошланган эди. Кейинчалик миллий телевидениемизда ҳам жонли эфирга бир неча марта уринишлар бўлди. Бироқ, жонли эфирда кечириб бўлмас хатолар қилиш мумкин эмаслиги, жонли эфирнинг маъсулият юки сабаб бу ҳаракатлар тўхтатилган ва то 2018 йилга қадар барча ўзбек тонгги кўрсатувлари ёзиб олиниб эфирга узатилаётган эди. Давлат телеканаллари ичида илк бор “Ёшлар” телерадиоканалининг “Янги кун” кўрсатуви эрта тонгдан жонли эфирга чиқа бошлади. Табиийки, аввалига бошловчилар ҳаяжони, техник носозликлар кузатилди. Аммо, бугунги кунга келиб мазкур дастур ижодкорлари жонли эфирни профессионал даражада олиб боришмоқда. Тонгги жонли эфирнинг ёзиб олинган дастурдан устун жиҳатлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

- юқори даражадаги интерактивлик (телефон кўнғироқлари, смс мурожаатлар каби);
- қизиқарли импровизациялар қўлланилиши;
- бошловчилар нутқида самимийликнинг яққол сезилиши;
- кўрсатув вақтини ортиқча жиҳатларга сарфламаслик.

“Янги кун”дан сўнг тонгги кўрсатувларнинг жонли тарзда эфирга узатилиши кузатилмади. Фақат, “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Ойдин ҳаёт” ток-шоуси ўз форматини янгилаган ҳолда, соат 9:00дан 11:00га қадар жонли тарзда ўз намоёишини эфирга узатмоқда. Бу дастур ҳам қисман тонгги кўрсатувлар форматига яқинлаштирилди, яъни мавзулар кўлами эрта тонгга

мослаштирилди ва телетомошабинларга позитив кайфият бағишлаш мақсадида соат 9:00дан трансляция қилина бошланди.

Тонгги дастурларнинг жонли эфир орқали намойиш қилиниши, албатта, мухлислар сонини янада кўпайтиради, телетомошабинлар қизиқишини орттиради. Бироқ, миллий телевидениемизда жонли эфир учун ҳали ҳам техник, ҳам ижодий имкониятлар етишмовчилиги мавжуд. Техник имкониятлар сифати юқори даражада таъминлангунига қадар тонгги дастурларнинг ижодкорлари жонли эфир маҳоратини ошириб боришса фойдадан ҳоли бўлмайди, албатта.

Замонавий ёндашувларнинг яна бир тури эрта тонгдан кишини уйқудан уйғотувчи, кунни позитив руҳ билан бошлашга кўмак берувчи яна бир унсур жарангдор мусиқадир. Студиянинг ўзида кичик мусиқий шоулар уюштириш анъанаси эса кўпроқ нодавлат телеканаллар орқали эфирга узатилаётган тонгги дастурларда кузатилади. Масалан, “Севимли кун”, (“Севимли ТВ”) “Ширчай” (“Миллий ТВ”) каби дастурларда замонавий мусиқа куйлаш учун студиянинг ўзида етарлича имкониятлар яратилган. Бу ёндашув остида, кўрсатувнинг тижорий мақсади ҳам ётади, албатта. Эндигина машҳур бўлаётган мусиқий гуруҳлар учун бу ўзини кўрсатиш майдони бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, “Янги кун”, “Ассалом Ўзбекистон!” ва “Тошкент вақти” кўрсатувларида ҳам санъаткорларни студияга таклиф қилиш ва уларнинг жонли ижроси билан мухлисларни баҳраманд қилиш анъанаси мавжуд. Айниқса, “Янги кун” кўрсатувида “Мақом чалленж” кўрик-танлови олдидан иқтидорли ёшларни студияга таклиф қилиб, бошловчиларнинг ҳам уларга қўшилиб мақомлардан парча куйлашгани ўзига хос замонавий ёндашув бўла олди.

Ошхона мавзуси ҳам тонгги дастурларнинг ҳар бирида мавжуд. Эрта тонгдан фойдали ва мазали егуликларнинг тайёрланиш жараёни кўрсатилишига ўзбек аудиторияси аллақачон кўникиб қолган. Аммо, унга креатив ёндашаётган тонгги кўрсатувлар бу эскича услубдан дастурнинг оммабоп бўлишида

фойдалана олишмоқда. Яъни студиянинг ўзида кичик ошхонага жой ажратиб, бошловчилар ҳам таом тайёрланишида, унинг таъмини тотиб кўришда ошпазга ёрдам бериши орқали тонгги кўрсатувлар янада қизиқарлироқ эфирни таъминлашмоқда. Масалан, “Севимли кун”, “Ширчай” кўрсатувларида шундай натижага эришилди, деб айта оламиз. “Ойдин ҳаёт” кўрсатувида ҳам , шу жумладан, ушбу услубнинг қўлланилиши ҳамisha телетомошабинлар эътиборини тортиб келади.

Тонгги кўрсатувларнинг яна бир замонавий ёндашуви суҳбат жанрини креатив тарзда беришдир. Яъни, тонгги кўрсатувларда ҳаётда катта ютуқларга эришган ва одамларга кўтаринки кайфият ҳамда мотивация бера оладиган машҳурлар ёки жамиятнинг илғор шахслари студияга таклиф қилинмоқда ва дастур мана шу суҳбат асосида олиб борилмоқда. Хусусан, “Севимли кун”, “Ширчай”, “Сабоҳдан салом”, “Ассалом, Ўзбекистон!”, “Янги кун” дастурларида мана шу тажриба кенг қўлланиляпти. Аммо, улар ичида “Севимли кун”, “Ширчай” кўрсатувида суҳбат жанри биринчи планга чиқарилган. Қолганларида эса суҳбат дастур ранг-баранглигини таъминлашга хизмат қилади. Албатта бу борада тонгги кўрсатувларда эфирга узатиладиган интервью ва суҳбатни бир-биридан фарқлай билиш аҳамиятлидир. Шу ўринда, телесуҳбат жанрининг креатив ёндашув сифатида намоён бўлиш жиҳатларига тўхталиб ўтсак.

Суҳбат жанрида яратилган лойиҳалар замонавий телевидениеда оммалашиб кетган ва энг кўп қўлланилади. Унинг интервьюдан фарқли жиҳати шундаки, унда мавзу кўлами кенг бўлади ва журналист ўзи истаган бирор мавзу доирасида ўзини қизиқтирган саволлар билан суҳбатдошига мурожаат қилиши мумкин.

Суҳбатда иштирокчилар гўё тенг ҳуқуқли фикр соҳиблари каби эътиборларини долзарб муаммонинг муҳокамасига, таҳлиliga қаратадилар. Ушбу жанрнинг давра суҳбати, деб номланган кўриниши ҳам пайдо бўлди. Бу ток-шоу деб номланади. Бунда бошловчи мулоқотни бошқарувчиси бўлади. У суҳбатдошларга навбат билан сўз бериб, фикр-мулоҳазаларни мантиқан бир-бирига боғлашга, ҳеч кимнинг муҳокама қилинаётган мавзу доирасидан

четга чиқиб кетмаслигига, муомала маданияти сақланишига, диалог ва монологларнинг жонли сўзлашув тилига яқин бўлишига ҳаракат қилади. Сухбат пайтида рақамлар ва махсус атамаларни имкон қадар камроқ ишлатган маъқул. Чунки, бу ҳолат томошабинни зериктириб қўйиши мумкин. Айрим вақтларда мураккаб атамалару рақамларни ишлатмасликнинг, эслатмасликнинг иложи бўлмаса, имкон қадар уларнинг маъносини соддалаштирилган ҳолда изоҳлаш, тушунтириб ўтиш зарур ҳисобланади. Сухбатда эркин фикрлар билдиришга, бир-бирини инкор қилишга, қизгин баҳс-мунозараларга кенг ўрин берилади. Сухбатдош фикрини йўналтириб, бир нуқтага қаратиб туриш учун журналист эътиборли бўлиши лозим ва у доим бошқарувчилик вазифасини эсида тутиши шарт. Тўғри, сухбатнинг мавзу кўлами кенг, аммо бу сухбатдошларнинг одоб доирасидан чиқиб кетишига имкон яратмайди, балки, аксинча, ҳар бир мавзунинг чегаралари сақланган ҳолатда сухбат уюштирилади.

Тажрибали журналист Ҳалим Саидов фикрига кўра, интервьюда конкрет мавзуга бағишланган ва фақат бир соҳа доирасидаги саволлар тақдим этилади. Сухбатда эса нисбатан эркин, мавзудан биров четга чиқиб шахсий саволлар билан ҳам мурожаат қилиш мумкин. “Репортёрлик маҳорати” китобида бунга мисол тариқасида ўзбек тилида гапира оладиган немис хоним билан бўлиб ўтган сухбат келтирилган. Унда аёлнинг касбий муваффақиятларидан ташқари оиласига таалууқли саволлар ҳам берилган.⁴

Баъзи журналистлар фикрича, сухбатда ҳар икки томон журналист ва меҳмон иштирок этиши, фикр алмашиши мумкин. Интервьюда эса журналист фақат савол берувчи вазифасини ўташи керак. Шундай бўлса-да, ҳар икки жанрда журналист мавзу доирасида билимларга эга бўлиши, тасвирга олиш ишларидан олдинроқ пухта тайёргарлик кўриши талаб этилади. Миллий телевидениемизда интервью ва сухбат жанрига эҳтиёж катта. Айниқса,

⁴Ҳ.Саидов. Репортёрлик маҳорати. – Т.: Фафур Фулом, 2008, Б:74-90

ахборий-рекреатив йўналишдаги дастурларда улардан унумли фойдаланилади.

“Ассалом, Ўзбекистон!” , “Тошкент вақти”, “Рангли телевизор” каби рекреатив рухдаги дастурларда мавзу юзасидан бериладиган маълумотларнинг мутахассис тилидан айтилиши аудиторияда ишонч уйғотади. Чунки, журналист маълум бир соҳага ихтисослаши мумкин, аммо, барибир, у профессионал иқтисодчи, диетолог, юрист бўла олмайди. Шу сабаб, муаллиф берилган маълумотларга изох бериши, уларни шарҳлаши афзалроқ. Агар мутахассис ўз касбининг билимдони бўлса, унга биргина саволнинг ўзи етарли. Аммо, баъзан ҳаяжон сабаб нутқда тўхтамлар ёки паразит (анақа, ҳммм, -де, уфф каби) унсурлар бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда муаллиф монтаж жараёнида уларни “тозалашга” кўзи етмаса, яхшиси, мутахассисни гапиртириши, кетма-кет саволлар орқали ахборот ола билиши зарур.

Суҳбат рекреатив кўрсатувларда интервьюга қараганда кўпроқ қўлланилади. Ток-шоу жанрида эса суҳбат дастур сценарийсининг негизини ташкил этади. Шу боис, бундай дастурларга бошловчи сифатида студияга таклиф этилган суҳбатдошнинг дунёқараши, билим даражаси билан тенглаша оладиган шахс танланиши жоиз. Хусусан, “Ассалом, Ўзбекистон!” дастурининг шанба кунги сони бошловчиси Шуҳрат Қаюмов таклиф этилган меҳмонларга ана шундай муносиб суҳбатдош бўла олади.

Бошловчининг суҳбат давомида берадиган саволларини иккига ажратиш мумкин: олдиндан тайёрланган ва вазиятдан, суҳбатдош нутқидан келиб чиқиб спонтан тарзда бериладиган саволлар. Афсуски, бугунги кунда кўп журналистлар иккинчи турдаги саволларни беришда талай хатоликларга йўл қўйишади. Аниқроқ айтганда, бошловчи меҳмон олдида ўзини йўқотиб қўйиши ёки тажрибасизлигидан умуман мавзуга оид савол бера олмаслиги бунга яққол мисол бўла олади. “Ассалом, Ўзбекистон!” бошловчиси Фахриддин Самадов таъбири билан айтганда, - “Бошловчи суҳбат жараёнида, кейинги саволни нима ҳақида берсам ёки тасвирга олиш вақтида жараённи

тўхтатиб, шошмай тулинг саволни ўйлаб олай, деган сўзларни эшитганимда, бу журналистнинг жуда катта фожеаси демакдир! – деб ўйлаб қоламан.”

Дарҳақиқат, бугун миллий телерадиокомпанияда мазкур ҳолатлар тез-тез учраб туради. Масалан, “Оилавий” телеканали “Оила мундарижаси” дастурининг сўнгги сонидаги камчиликларни бирма-бир санаб ўтиш мумкин. Ток-шоу “Оила қуриш мотивлари” мавзусида бўлиб ўтди. Бошловчи ўз нутқида мотив сўзини 7 дақиқа ичида 6 марта ишлатди. Бундан ташқари, меҳмон сифатида студияга таклиф этилган коллеж ўқувчисига мантиқсиз савол билан мурожаат қилди: “Ота-онангизнинг сизни турмушга беришдан мотивлари, яъни мақсадлари нима?” Аввало, мотив сўзи мақсад эмас, туртки, сабаб маъносида ишлатилади. Қолаверса, саволда ҳеч қандай мазмун йўқ.⁵

Телевиденида бир неча йиллар давомида фаолият юритган тележурналист Муҳаббат Ҳамроева маҳорати эса таҳсинга лойиқ. У тажрибали журналист, ўз касбининг моҳир устаси эканлиги экранда яққол намоён бўлади. Телебошловчи ва журналист интерактивликни йўлга қўя билади. Унинг суҳбат давомида ҳамиша самимий муносабатда бўлишини эътироф этиш жоиз. Демак, суҳбатда “сен билгани мен ҳам биламан” қабилида иш тутиш, уни баҳсга айлантириб юбормаслик муҳимдир. Самимий ва осон тушуниладиган тилда гапириш, кучли тўхтамларсиз, шева сўзларни қўлламай суҳбат қила билиш ҳам журналист маҳоратидан дарак беради.

Интерактивликка асосланган рекреатив йўналишдаги теледастурларда бошловчининг роли катта экан, у ўзи қандай бўлиши керак, деган ҳақли савол туғилади. Филология фанлари номзоди А.Каримовнинг фикрига кўра, “бошловчи тезкор, нозик ва нафис реакцияси, сўз бойлиги, маҳорати билан ажралиб туриши лозим. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда уларнинг кўпчилиги артистлардан танланади ”⁶.

⁵“Оилавий” телерадиоканали, “Оила мундарижаси”.2015. 18-апрель

⁶Каримов А.А. “Телевиденининг рекреатив вазифаси (ток-шоулар асосида)” мавзусидаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ЎзМУ. – 2012, Б: 133

Миллий телевидиниёда ҳам актёр (ёки актриса) бошловчилардан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Масалан, “Ойдин ҳаёт”, “Ўзингни англа” ток-шоулари фикримиз исботи. Аммо негандир, айна мана шу икки дастурда бошловчи фақат эфир юзини таъминлаш билан чегараланиб қолади. Интерактивликка деярли амал қилинмайди. Таклиф этилган аудитория бор-йўғи студияни тўлдиришга хизмат қилади холос. Тўғри, баъзан мавзу юзасидан томошабин фикри билдирилади. Бироқ, бу томошабин кўпинча халқ таниган санъат арбоби бўлади.

Аслида, кўпинча саломатликка алоқадор муаммолар ёритиладиган бу каби ток-шоуларда аҳоли мутахассисга ўзини қийнаётган саволлар билан мурожаат қилиши, шахсий мулоҳазалари билан ўртоқлашиши яхши натижа беради. “Ўзингни англа”да бу каби саволлар асосан бошловчи томонидан тақдим этилади. Дастур бошловчи ва мутахассиснинг савол-жавобидангина иборат бўлиб қолади.

Li Injikning «Moranbon tog‘i» qissasida milliy an‘ana va novatorlik

Baxramova Maftuna

O‘qituvchi-stajyor

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti

Annotatsiya: XIX asr oxiri XX asr boshida G‘arb madaniy yutuqlari bilan koreys xalqining yaqindan tanishuvi katta ahamiyatga ega bo‘ldi. Koreyada Yevropa madaniyatining tarqalishiga ma‘rifatparvarlarning faol harakati o‘z ta‘sirini ko‘rsatdi. Koreya ilg‘or arboblarning ko‘pchiligi mamlakatni chet ellik bosqinchilardan xalos qilishning birdan-bir yo‘li madaniyat va ma‘rifatni rivojlantirishdan iborat deb hisobladi. Koreyada ma‘rifatchilik mafkurasi an‘anaviy tasavvurlar va G‘arbda asr boshida mashhur bo‘lgan, Koreyaga Xitoy va Yaponiya orqali kirib kelgan sotsiologik ta‘limotlar sintezi natijasida shakllangan g‘oyalar va tushunchilarning murakkab tizimini o‘zida ifodalar edi.

Maqolada yozuvchi Li Injik ham yapon ta‘limoti asosida yozgan qissasida xalqning o‘zligini unutmagan holda yangilikka yuz burishiga erishish, millatning ongini yuksaltirish kabi harakati o‘z aksini topgan.

Kalit so‘zlar: Li Injik, Kim Yunsik, Ongnyo, zamonaviy qissa, siyosiy qissa, novatorlik, neologizm, an‘anaviy badiiy uslub, xanmun

Janubiy koreyalik adabiyotshunos Kim Yunsik bergan ta‘rifga ko‘ra zamonaviy qissa asoschisi Li Injik (1862-1916) hisoblanadi.

Koreys adabiyoti tarixida paydo bo‘lishi bo‘yicha zamonaviy qissa Li Injikning «Qonli ko‘zyoshlar» (1906 yil) qissasidir. Kim Yunsik o‘z tadqiqotida Li Injik qissalarini ikki toifaga bo‘ldi: 1) siyosiy qissalar, jumladan, «Qonli ko‘zyoshlar» (1906), «Kumush dunyosi» (1908), «Moranbo tog‘i» (1913); 2) oilaviy masalalariga bag‘ishlangan qissalar, ular o‘z mazmuni va shakli bo‘yicha mumtoz koreys qissasi andozalariga mos keladi, bular «Iblis ovozi» (1909), «Chiaksan tog‘i» (1908)⁷.

Kim Yunsik Li Injikning birinchi guruhga kiritilgan qissalarini nafaqat yangi qissa, balki yarim siyosiy qissa deb hisoblaydi. Aynan shu yapon qissalari Li Injikning yarim siyosiy qissalari uchun namuna sifatida xizmat qilgan⁸.

⁷ Тэн, А.Н. Очерки корейской литературы XX века (до 1945г.). – Сеул. 2003. С.45.

⁸ O‘sha manba. – B.45.

Yozuvchi 1913 – yil 5 – fevral kuni “Meil Shinbo“ da “Qonli ko‘z yoshlar“ ning davomi sifatida “Moranbon“ asarini ham omma e‘tiboriga havola etdi. “Qonli ko‘zyoshlar“ da Ongnyoning 7 yoshdan 17 yoshgacha bo‘lgan hayoti, “Moranbon tog‘i“ da esa 17 yoshdan keyingi ishlarining bari jamlangan bu ikki asar yuqori va quyi qismlarga tegishli bo‘lgan bir butun asarni tashkil etadi.

Li Injikning «Moranbon tog‘i» bu sevgi haqidagi qissa, ammo bu Yevropa adabiyotida talqin qilinadigan sevgi emas, bu sevgi mumtoz qissalarida tushunilgandek, ya’ni «bu yerda sevgi o‘zi qadrli emas, faqatgina sodiq, sadoqatli ayol orqali qadrlidir»⁹.

«Asarda xarakter va vaziyatlarning murakkab bir ma’noli bo‘lmagan baholarning mavjudligi sifat jihatidan alohida holatdir, uni ijobiy va salbiy baholarning uyg‘unligi, deb aytish mumkin emas. Bunga intilish ham kerak emas, muallif bahosi nuqtai nazaridan u yoki bu qahramon noaniq bo‘lib qolishidan ham hayron bo‘lmaslik lozim, bu to‘g‘ri va tabiiydir, bu haqiqatda voqelikning o‘zida inson va hodisalarning murakkab baholari qay darajada me’yoriy va tabiiy bo‘lsa shu kabidir»¹⁰.

Bu qissada Li Injikka xos bo‘lgan yangi va an’anaviy badiiy uslublarning uyg‘unligi ham kuzatiladi. Qissada bosh qahramonning tashqi ko‘rinishi qiyofasining tasviri yo‘q. «Portret chiziqlarining xarakter chiziqlariga muvofiq shartli va nisbiy narsadir, u nazkur madaniyatda qabul qilingan qarashlar va e‘tiqodlar badiiy shartlilikning xarakteriga bog‘liqdir. Madaniyat rivojining ilk bocqichlarida chiroyli tashqi qiyofaga ruhiy go‘zallik muvofiq deb taxmin qilingan. Ijobiy qahramonlar aksariyat hollarda tashqi ko‘rinishi ham go‘zal bo‘lgan. Salbiy qahramonlar esa ham ichki, ham tashqi ko‘rinishi xunuk va yoqimsiz bo‘lgan. Keyinchalik esa adabiy portretda tashqi va ichkining aloqalari ahamiyatli tarzda murakkablashadi»¹¹.

⁹Троцевич, А.Ф. Корейская средневековая повесть. – М., 1975, С.227.

¹⁰ Есин, А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. Уч.пос. – М.: “Флинта-Наука”, 1998, С.39.

¹¹ Есин, А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. Уч.пос. – М.: “Флинта-Наука”. 1998. С.50.

Asarga quyi tabaqa vakillarining ismlari xalq og‘zaki tilidan olinganligi, ya’ni qahramonlarning ismi shunday edi, deb kiritilishi Li Injikning novatorligini ko‘rsatadi. An’anaviy shaxsiy koreys ismlari aslida xanmun unsurlaridan tashkil topgan edi. Li Injik esa an’anani buzdi.

Li Injikning qissalarida qadimgi qissalarning tiliga qiyoslaganda, tarixiy va eskirgan so‘zlar, arxaizmlar kamroq qo‘llanilishi va aksincha, yangi nasr tilining ahamiyatli belgisiga aylangan neologizmlar ko‘proq o‘ziga jalb qiladi. Jumladan, guberniya ma’muriyati, uyezd boshlig‘i, jandarm, qonun, poytaxt kabi yangi atamalar ham uchraydi.

Xulosa qilib aytganda, Li Injik o‘z siyosiy qissasida yangilikka qo‘l urgani uni ma’rifatparvarlik adabiyoti yozuvchilari qatoridan joy egallashiga debocha bo‘lib xizmat qildi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Тэн, А.Н. Очерки корейской литературы XX века (до 1945г.). – Сеул. 2003. С.45.
2. Троцевич, А.Ф. Корейская средневековая повесть. – М., 1975, С.227.
3. Есин, А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. Уч.пос. – М.: “Флинта-Наука”, 1998, С.39.

CONTENTS

BIOLOGICAL SCIENCES

Кутлиева Г.Дж., Элова Н.А., Нурмухамедова Д.К., Тулаганов Б.С. - Определение безвредности местных штаммов лактобацилл.....3

ECONOMIC SCIENCE

Бурхонова Наргиза – Сифат масаласига иқтисодий ёндашувда мақсадга мувофиқ харажатлар миқдори.....9

HISTORICAL SCIENCES

Feruz Sayfullayevich Boboyev, To'rayeva Nafosat Shuhrat qizi - Collective policy in bukhara region and its consequences.....13

To'rayeva Nafosat Shuhrat qizi - Dunyoning yetti mo'jizasi: Misr ehromlari. Uning qurilishi va olimlar fikri.....16

PEDAGOGICAL SCIENCES

Mexribonu Sheraliyevna Kayumova - Methods of managing student corporate culture in teaching economics.....20

Омонбой ЭРГАШЕВ - Сценарий талабаларнинг бадий тафаккурини ривожлантиришда бадий омил сифатида.....24

Jumabayev Samandar Israyilovich - Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida "Kichik dasturchilar" to'garagini tashkil qilish metodikasi.....28

TECHNOLOGICAL SCIENCES

Ф.А.Абдушукуров - Интерактивные методы, способы и рекомендации цветowych палитр для различной инфографики (info monotype).....31

М.Шарипова, М.Чоршанбиева, Маджидова Ш.Г - Тикув буюмларини ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.....35

Исаева Махфуза Хамидовна - Ассортимент шакллантиришда технологик жараёнларни тўғри ташкил қилишнинг ахамияти.....39

Г. А. Abdushukurov - Программирование путем независимых блоков.....42

MEDICINE

Mukhamedzhanova Mastura Khayatovna, Istamova Aziza Hikmatovna - Morphological changes in the lung tissue in covid pneumonia.....46

PHILOLOGY

Шохсанам Махамаджанова - Тонгги кўрсатувлар тайёрлашдаги замонавий ёндашувлар.....49

Vaxramova Maftuna - Li Injikning «Moranbon tog'i» qissasida milliy an'ana va novatorlik...60